



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 31 » октябрь

№ ПК–378

Навоий давлат университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Бугунги кунда Навоий вилоятида иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар бўйича юқори малакали кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу борада ҳудуднинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда олий таълим ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда Навоий вилояти аҳолиси, аввало, ёшларининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, улар учун янада кенг имконият ва шароитлар яратиш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий давлат педагогика институти негизида **Навоий давлат университетини** (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ҳудудда соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда замонавий билим ва малакага эга бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

замонавий ўқув, илмий ва IT-лаборатория базасини яратиш, ушбу лабораторияларни илфोर технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини амалга ошириш;

талабаларни илмий-инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини жорий этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартлари, илғор таълим технологиялари ва усулларини жорий этиш, шунингдек, талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

етақчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий илмий-амалий стажировкасини тизимли йўлга қўйиш;

талаба-ёшларда маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Навоий давлат педагогика институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишларини Университетда давом эттиради ҳамда **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб битирувчи курс талабаларига Университет дипломи берилади;

б) Университет Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунди ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

в) Университетда **2025/2026 ўқув йилидан** бошлаб:

ҳудудий ривожланиш дастурларига мувофиқ, эҳтиёж юқори бўлган аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, иқтисодиёт, бизнес ва туризм, инвестицияларни бошқариш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, логистика каби йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

дарс машғулотларини амалиёт билан бирга ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича таълим жараёни **дуал таълим шаклида** йўлга қўйилиб, корхона ва ташкилотларда **кафедра филиаллари** ташкил этилади ҳамда таълим жараёнига узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга амалиётчи мутахассислар жалб этилади;

янги ташкил этилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича хорижий давлатлар ва республикадаги **етакчи олий таълим ташкилотлари** билан **иккита диплом** беришга асосланган **қўшма таълим дастурлари** йўлга қўйилади;

алоҳида гуруҳларда бакалавриат ва магистратура босқичларида таълим жараёни хорижий тилларда ташкил этилади ҳамда таълим дастурлари босқичма-босқич **халқаро аккредитациядан ўтказишга** тайёрланади.

4. Қуйидагилар:

2024–2027 йилларда Навоий давлат университетини **комплекс ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ;

2026–2030 йилларда Навоий давлат университетининг **ўқув ва илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб Университетга академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–60-сон ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–61-сон қарорларида белгиланган тартиблар Университетга татбиқ этилади.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси билан биргаликда икки ой муддатда Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университетда **Трансформация марказини** ташкил этсин.

Трансформация маркази қуйидаги масалалар юзасидан масъул этиб белгилансин:

Университетнинг таълим дастурларини **халқаро таълим стандартларига мувофиқлаштириш**;

Университетни дунёнинг энг нуфузли **олий таълим ташкилотлари рейтингига** киритиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

Университет таълим дастурларини **халқаро аккредитациядан ўтказиш** ҳамда Университет дипломларининг хорижда тан олинишига эришиш;

таълим хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида Университет ўқув-услубий бўлинма ҳамда деканатлар штатларини мақбуллаштириш ҳисобидан **Регистратор офиси фаолиятини йўлга қўйиш;**

Университетнинг таълим, тадқиқот ва ахборот-кутубхона фаолиятларини ҳамда бошқарув жараёнларини **тўлиқ рақамлаштириш.**

7. Навоий вилояти ҳокимлиги:

Университет талабаларининг малакавий амалиётлари ҳудудда жойлашган йирик корхона ва ташкилотларда ташкил этилишини таъминласин;

Университет мутахассислик кафедраларининг мос йўналишлари бўйича маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашсин;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудда жойлашган олий таълим ташкилотлари талабалари ва ёш тадқиқотчилар учун стартап лойиҳаларни молиялаштиришни йўлга қўйсин. Бунда асосий йўналиш сифатида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш белгилансин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) Университет илмий салоҳиятини ошириб бориш чорасини кўрсин ҳамда унинг халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда, хусусан, етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим ва халқаро алмашинув дастурларини жорий этиш, хорижлик етакчи профессор-ўқитувчиларни Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этишга кўмаклашсин;

б) 2025 йил 1 февралга қадар:

Университетда жорий этиладиган янги таълим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси, штат бирликлари, факультет ва кафедраларини қайта кўриб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

хорижий талабаларни жалб этиш мақсадида “Study in Uzbekistan” платформасида Университет бўлимини ташкил этсин ва уни сифатли маълумотлар билан тўлдирсин;

в) 2025 йил 1 июнга қадар Университетда талабаларнинг битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини кўчирмачиликка қарши текшириш (антиплагиат) механизмини жорий этсин.

9. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Навоий вилояти ҳокими Н.Т. Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

2024–2027 йилларда Навоий давлат университетини комплекс ривожлантириш
ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1. Навоий давлат университети фаолиятини ташкил этиш					
1.	Университет фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Университетнинг таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ тузиш. 2. Университет уставини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш. 3. Университетнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь 2024 йил декабрь	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Университет
2.	Университетда факультет ва кафедралар фаолиятини ташкил этиш.	1. Тажрибали мутахассислар, педагог ходимлар ва олимлардан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. Иқтисодиёт тармоқларида кадрлар буюртмачилари талабларига мос ташкил этилиши зарур бўлган кафедралар рўйхатини шакллантириш ҳамда асослаш. 3. Кафедралар педагог ходимлари таркибини шакллантириш ва кафедралар фаолиятини йўлга қўйиш. 4. Кафедраларни ўқув-услубий ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш.	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь 2025 йил январь 2025 йил февраль	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет

3.	Университетни таърибали ва юқори малакали мутахассислар ва педагог ходимлар билан тўлдириш.	1. Хорижий ва маҳаллий малакали мутахассис ва педагог ходимларни белгиланган тартибда очиқ танловлар асосида саралаб олиш. 2. Меҳнат қонунчилиги талаблари асосида педагог ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномаларини расмийлаштириш.	2025 йил январь 2025 йил февраль	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет
4.	Университет ҳузуридаги академик лицей фаолиятини такомиллаштириш.	1. Таърибали мутахассислар ва педагоглардан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. Университет ҳузуридаги академик лицей фаолиятини ўрганиб чиқиш, такомиллаштириш юзасидан қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш. Бунда: таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини жорий этиш; дастурий маҳсулотлар, ўқув адабиётларини нашр этиш; умумий ўрта таълим ташкилотлари битирувчиларини академик лицейга саралаб олиш, лицейнинг иқтидорли ўқувчиларини Университетга мақсадли йўналтириш.	2025 йил март	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Навоий вилояти ҳокимлиги (Н.Турсунов), Университет
II. Ўқув жараёнини ташкил этиш, янги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларини жорий этиш ҳамда таълим сифатини таъминлаш					
5.	Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш ва босқичма-босқич халқаро стандартларга мослаштириш.	1. Меҳнат бозори талаблари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболлари ҳамда илғор хорижий таърибалар асосида ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш ва тасдиқлаш.	2025 йил август	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет

	<p>2. Ўқув режаларида амалий машғулотлар ҳамда таълим ва илм-фан интеграциясини таъминлашга ажратилган соатлар ҳажмини ошириш.</p> <p>3. Халқаро рейтинг ташкилотларининг биринчи 500 талик рўйхатида кирган олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2026/2027 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Университет</p>
<p>6.</p>	<p>Таълимнинг замонавий педагогик технологиялари ва методларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.</p>	<p>1. Таълим жараёнини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш.</p> <p>2. Таълим мазмунини креатив фикрлаш, инновацион ғоя ва ишланмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим технологиялари билан бойитиш.</p>	<p>Доимий</p> <p>2025 йил сентябрдан бошлаб, доимий</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>
<p>7.</p>	<p>Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш ва жорий этиш ҳамда Ахборот-ресурс маркази фонддини мунтазам янгилаб бориш.</p>	<p>1. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчилар учун моддий ва маънавий таъминот асосларини яратиш.</p> <p>2. Дарслик ва ўқув қўлланмаларни, илмий, услубий адабиётларни нашр қилиш учун Университет харажатлари сметасида мунтазам маблағ ажратиш.</p> <p>3. Университет таълим йўналишлари ва мутахассисликларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида Таҳририй нашриёт бўлими фаолиятини ташкил этиш, босма хонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва замонавий босма жиҳозлар билан таъминлаш.</p>	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2025 йил апрель</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Университет</p>

8.	Амалий ва сайёр машғулотларни ўтказишни кенгайтириш орқали талабаларнинг амалий компетенцияларини ривожлантириш.	1. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабаларининг амалиётини Университет билан мустақам алоқалар ўрнатилган ижтимоий, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш муассасаларида ташкил этиш. 2. Университетда кадрлар истеъмолчилари билан алоқаларни мувофиқлаштириш, талабалар амалиётини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишни янада такомиллаштириш.	2025 йил март 2025 йил май	Университет маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Навоий вилояти ҳокимлиги (Н.Турсунов), Университет
9.	Ҳамкор ташкилотларда кадрлар тайёрловчи кафедралар филиалларини ташкил этиш.	1. Университетнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган профессионал таълим ташкилотлари ва корхоналарда Университет кафедралари филиалларини ташкил этиш. 2. Кафедралар филиалларида машғулотлар ўтказган ҳамда раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилган ходимларга Университет томонидан соатбай иш ҳақи тўлаш тартибини жорий этиш.	2025 йил сентябрь 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Навоий вилояти ҳокимлиги (Н.Турсунов), Университет
10.	Ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш.	1. Ички телекоммуникация инфратузилмасини, жумладан, оптик толали тармоқлар, тармоқни бошқариш ва ахборот хавфсизлиги тизимларини тўлиқ янгилаш. 2. Университетни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш.	2025 йил сентябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Рақамли технологиялар вазирилиги (Ш.Шерматов), Университет

11.	Ўқув жараёнини замонавий коммуникация ахборот-технологиялари воситалари билан жиҳозлаш.	1. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини харид қилиш. 2. Ўқув аудиторияларини талаб даражасидаги ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш.	2025 йил август 2026 йил май	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет
12.	Таълим, тадқиқот ва ахборот-кутубхона фаолиятларини ҳамда бошқарув жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.	1. Университетнинг факультет, кафедра ва профессор-ўқитувчиларининг рейтингини аниқловчи электрон тизимни жорий этиш. 2. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли усулларини (антиплагиат ва тест синовлари дастурий таъминотлари) жорий этиш.	2025 йил июль 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет
13.	Масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш орқали тингловчилар ва педагог кадрларнинг мустақил таълим олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.	1. Халқаро стандартларга асосланган Ягона интеграллашган масофавий ўқитиш аппарат-дастурий комплексини амалиётга жорий этиш. 2. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказиладиган маъруза машғулотларининг марказлашган видео-каталогини шакллантириш ва фойдаланиш учун очиқ онлайн трансляция қилишга мўлжалланган электрон платформа фаолиятини йўлга қўйиш.	2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет
14.	Ахборот-ресурс маркази инфратузилмасини ривожлантириш.	1. Университетнинг Ахборот-ресурс маркази фойдаланувчилари учун комплекс хизмат кўрсатувчи замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимини ривожлантириш.	2025 йил май	Университет маблағлари, грантлар, ҳомийлик маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет

	<p>2. Ахборот-ресурс марказида адабиётларнинг очик фондини ташкил қилиш учун кутубхонага мослаштирилган махсус хоналар ва инновацион кутубхона жорий қилиш.</p> <p>3. RFID технологияси асосида кутубхона фондини рўйхатга олиш, ҳисобга қўйиш, тарқатиш ва ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>4. Китобларни ҳисобга қўйиш, тарқатиш ва қайтариш учун автоматлаштирилган электрон киоскларни жорий этиш.</p> <p>5. Хорижий кутубхона ресурсларидан фойдаланиш учун шароит яратиш.</p> <p>6. Профессор-ўқитувчи, тадқиқотчи ва талабалар учун бадиий, илмий ва ўқув адабиётлар электрон каталогларидан ҳамда жаҳон таълим ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.</p> <p>7. Хорижий муассасалар билан ҳамкорликда Ахборот-ресурс марказини янги хорижий адабиётлар билан бойитиш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025 йил сентябрь</p> <p>Доимий</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025/2026 ўқув йили якунида</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет</p>
15.	<p>Машғулотлар бўйича талабалар фикрини ўрганиш (feedback) ҳамда ўзаро ташриф (peer review) тизимини ривожлантириш.</p>	<p>1. Машғулотлар бўйича талабалар фикрини ўрганишга қаратилган электрон платформани ишга тушириш.</p> <p>2. Машғулотлар бўйича талабалар фикрини ўрганиш таҳлили асосида тегишли чора-тадбирларни белгилаш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025/2026 ўқув йили якунида</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет</p>

16.	Университетдаги мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларни халқаро аккредитациядан ўтказиш.	<p>1. Университетни аккредитациядан ўтказиш халқаро бўйича аккредитация ташкилотлари билан ҳамкорлик келишувига эришиш.</p> <p>2. Университетни халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>3. Университетга малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш.</p> <p>4. Таълим йўналишларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш.</p>	2025 йил декабрь 2026 йил март 2026 йил октябрь 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Университет
III. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, фан ва таълим интеграциясини ривожлантириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш					
17.	Педагог ходимларнинг илмий салоҳиятини ошириш.	<p>1. Педагог ходимлар учун “Web of Science”, “Scopus” тизимларида илмий мақолалар чоп этиш ва уларнинг иқтибослик даражасини ошириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиб бориш.</p> <p>2. Нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш.</p> <p>3. “Хирш” индекси 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларни моддий рағбатлантириш.</p> <p>4. Университет илмий журналларини “Scopus”, “Web of Science” ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритиш чораларини кўриш.</p>	2024/2025 ўқув йили 2024/2025 ўқув йили 2024/2025 ўқув йили 2025/2026 ўқув йили	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Университет

18.	Илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш.	5. Университет педагог ходимларининг илмий салоҳиятини 50 фоизга етказиш. 1. Университетда соҳалар бўйича бажариладиган докторлик (PhD ва DSc) ва магистрлик диссертацияларининг мавзулари базасини жаҳон илм-фани тараққиётидаги янги тенденциялар ва талабларга мувофиқ шакллантириш. 2. Фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ тарзда кафедралар илмий йўналишларини кенгайтириш.	2025/2026 ўқув йили 2025 йил ноябрь 2026 йил январь	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Университет
19.	Тармоқ ва соҳа корхоналарининг илмий-инновацион муаммоларини ечиш бўйича тузиладиган хўжалик шартномалари ҳисобига Университетга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш.	1. Илмий-педагогик кадрлар фаолиятини ҳамкор ташкилотларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган лойиҳалар яратишга йўналтириш. 2. Университет илмий ишланмаларини инновацион ғоялар ярмаркаларида тақдим этиш, лойиҳалар натижалари асосида оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш. 3. Стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда Университет ва Савдо-саноат палатаси масъулларининг ҳамкорлигини ташкил этиш, семинарлар ўтказиш ва лойиҳалар тақдимотини уюштириш.	2025/2026 ўқув йили 2025/2026 ўқув йили 2026 йил январь	Тармоқ ва соҳа ташкилотлари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), Университет
20.	Фундаментал, амалий, инновацион ва стартап лойиҳаларни бажариш.	1. Ёшларнинг фундаментал, амалий инновацион ва стартап лойиҳалардаги иштирокини кенгайтириш, уларни устувор йўналишлар бўйича янги лойиҳалар яратишга ўргатиш учун тренинглар ташкил қилиш.	Доимий	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Инновацион ривожланиш агентлиги (Ш.Ражаббаев), Университет

		<p>2. Илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни Университет фаолиятига татбиқ этиш.</p>	2025 йил март		
<p>IV. Хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, Университетнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлаш</p>					
21.	<p>Етакчи хорижий илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.</p>	<p>1. Университетнинг халқаро рейтинг ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш. 2. Университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий олийгоҳларда ўтказиладиган конференция ва семинарлардаги иштирокини ошириш. 3. Хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида халқаро грантларда профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва иқтидорли талабаларнинг иштирокини ташкил этиш. 4. Халқаро илмий лойиҳаларни тайёрлаш, муаммоларни шакллантириш ва зарур ҳужжатларни тақдим этиш малакасини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этиш. 5. Фан тармоқлари ва соҳалари бўйича илмий-амалий, инновацион марказлар ташкил этиш, хорижий грантларни жалб этиш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ўқув адабиётлар яратиш, илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш.</p>	<p>2025 йил март Доимий</p>	<p>Университет маблағлари, грантлар</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет</p>

22.	Профессор-ўқитувчиларни стажировка ўташ ва малака ошириш ҳамда ходимларни магистратура ва докторантурада ўқиш учун хорижга юборилишини ташкил этиш.	<p>1. Университет раҳбарлари, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари ҳамда педагог кадрларнинг йўналишлар кесимида етакчи хорижий олий таълим ташкилотларида малака оширишини тизимли ташкил этиш.</p> <p>2. Университетнинг ёш мутахассисларини етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларига белгиланган тартибда танлов асосида Докторантура ва магистратурада ўқишга юбориш.</p> <p>3. Ҳамкор хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий ташкилотлар билан имзоланган шартномаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда кенг миқёсда ахборот ва мутахассислар алмашинуви бўйича шартномаларни имзолаш.</p>	2025/2026 ўқув йилидан бошлаб доимий	Грантлар, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (А.Бекмуродов), Университет
23.	Тажрибали хорижий олим, педагог ва мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш.	<p>1. Етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчиларини Университетда узоқ ва қисқа муддат дарс беришга таклиф этиш.</p> <p>2. Жалб этиладиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва олимлар учун ижтимоий-маиший ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш.</p>	2025 йил сентябрь	Грантлар, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет
V. Талабаларнинг соғлом турмуш тарзини юритиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизimini такомиллаштириш					
24.	Талабаларни жисмонан чиниқтириш ва уларнинг спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён	1. Университет талабалари орасида спорт турлари бўйича “Ректор кубоги” мусобақаларини ташкил этиш.	Ҳар йили режа асосида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари,	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

	қилишлари учун зарур шaroитлар яратиб бериш.	2. Навоий вилояти олий таълим муассасалари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ўтказиш.		Навоий вилояти маҳаллий бюджетди маблағлари, ҳомийлик маблағлари	(К.Шарипов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Навоий вилояти ҳокимлиги (Н.Турсунов), Университет
25.	Талабаларнинг таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда яратадиган ижод намуналаридан кўргазмалар ташкил қилиш имконини берувчи “Санъат” галереяси ва “Дизайн” студиясини ташкил этиш.	<p>1. “Санъат” галереяси ҳамда “Дизайн” студиясини ташкил этиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.</p> <p>2. “Санъат” галереяси ҳамда “Дизайн” студиясини жиҳозлаш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>3. “Санъат” галереяси ҳамда “Дизайн” студияси фаолиятига мутахассисларни жалб этиш.</p> <p>4. Талабалар томонидан яратилган санъат асарлари ва дизайнерлик ишлари кўргазмаларини ташкил этиб бориш.</p>	2025 йил сентябрь 2025 йил октябрь 2025 йил октябрь Доимий	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Навоий вилояти маҳаллий бюджетди маблағлари, ҳомийлик маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Университет
26.	Талаба-ёшларни умумбашарий ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш.	<p>1. “Мақом” фестивали, “Ёш тарғиботчилар” танлови, “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги” тарғиботи, “Ёш дастурчилар” клуби, “Mass media” компьютер билимдони, Талабалар театр студияси ҳамда “Қувноқлар ва зукколар” танлови каби тадбирларни ташкил этиш ва фаолларни муносиб тақдирлаш.</p> <p>2. Талаба-ёшларда эстетик дид ва касбий этикани тарбиялаш мақсадида турли танловлар, кўргазмалар, даврий тематик тадбирларни ташкил этиш, очик осмон остидаги музейларга ва</p>	Режа асосида Доимий	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Университет

	<p>Университетда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “5 та муҳим ташаббус”ни кенг жорий этиш мақсадида Марказ ташкил қилиш.</p>	<p>театрларга ташрифларни уюштириш, таниқли зиёлилари, давлат арбоблари, санъат ва спортда шўхрат қозонган шахслар ва фахрийлар билан давра суҳбатлари, учрашувларни ўтказиш.</p>	<p>2025 йил январь</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Маданият вазирилиги (О.Назарбеков), Университет</p>
27.	<p>Университетда китоб мутоласига қизиқишни янада ошириш ва ижодкор ёшларни рағбатлантириш мақсадида Университетда “Китобхонлик” ойлигини ўтказиш.</p>	<p>1. Марказ низоми ва чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Университетга тегишли бинолардан Марказ учун “5 та муҳим ташаббус”ни қамраб оладиган хоналар ажратиш ва уларни тайёрлаш. 3. Хоналарни “5 та муҳим ташаббус” доирасидаги зарур техника ва жиҳозлар билан таъминлаш. 4. Университетда ашула ва рақс ансамбллари хамда талабалар хор жамоасини ташкил этиш. 5. Университет факультетлари ўртасида “Қувноқлар ва зукколар”, “Заковат”, “Мунозара” ва бошқа кўрик-танловларни ўтказиш.</p>	<p>2025 йил февраль</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саид), Университет</p>
28.	<p>Талабаларда китоб мутоласига қизиқишни янада ошириш ва ижодкор ёшларни рағбатлантириш мақсадида Университетда “Китобхонлик” ойлигини ўтказиш.</p>	<p>1. Талаба-ёшлар ўртасида “Зукко китобхон”, “Мен севган адиб”, “Мен севган роман”, “Мен севган адабий қаҳрамон” каби мавзуларда танловлар ўтказиш. 2. Академиклар, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар иштирокида ижодий кечалар ва учрашувларни ташкил этиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саид), Университет</p>

**2026–2030 йилларда Навоий давлат университетининг ўқув
ва илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш
ДАСТУРИ**

Т/р	Лаборатория номи	Лаборатория тоифаси (ўқув/илмий)	Амалга ошириш муддати
1.	Механика бўйича лаборатория жамланмаси	ўқув	2026 йил
2.	Оптика бўйича лаборатория жамланмаси	ўқув	2026 йил
3.	Биохимия ва иммунология ўқув лабораторияси	ўқув	2027 йил
4.	Экологик инженерия илмий-тадқиқот лабораторияси	илмий	2027 йил
5.	Физикавий радиоэкология	илмий	2028 йил
6.	Органик кимё лабораторияси	ўқув	2028 йил
7.	Электромагнетизм бўйича лаборатория жамланмаси	ўқув	2029 йил
8.	Аналитик кимё лабораторияси	ўқув	2029 йил
9.	Молекуляр физика бўйича лаборатория жамланмаси	ўқув	2029 йил
10.	Атом ва ядро физикаси бўйича лаборатория жамланмаси	ўқув	2030 йил
11.	Астрономия бўйича лаборатория жамланмаси	ўқув	2030 йил

Изоҳ:

лабораториялар моддий-техника базаси Университет маблағлари, грантлар
ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

лабораториялар моддий-техника базаси қийматиغا ишлаб чиқиладиган лойиҳа
ҳужжатлари ва тендер (танлов) савдолари натижаларига кўра аниқлик киритилади.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 31 » октября

№ ПП–378

О мерах по образованию Навоийского государственного университета

Исходя из темпов роста отраслей экономики в Навоийской области и социально-экономического положения данного региона, возрастает потребность в высококвалифицированных кадрах по таким сферам, как точные и естественные науки, информационные технологии, экономика, туризм, сельское хозяйство.

В целях наиболее полного использования потенциала региона в данных направлениях, обеспечения активного участия высших образовательных организаций в осуществляемых в республике широкомасштабных реформах, преобразованиях в социальной и экономической сферах, а также создания более широких возможностей и условий для населения Навоийской области, прежде всего молодежи, с учетом их потребностей и стремлений:

1. Одобрить предложение Министерства высшего образования, науки и инноваций, а также хокимията Навоийской области об образовании **Навоийского государственного университета** (далее – Университет) на базе Навоийского государственного педагогического института.

2. Определить **основными задачами и направлениями деятельности** Университета:

создание системы непрерывного образования по подготовке, переподготовке и повышению квалификации научных и научно-педагогических кадров, обладающих современными знаниями и квалификациями, с учетом **перспектив развития сфер и отраслей в регионе;**

создание **баз современных учебной, научной и IT-лабораторий** и оснащение их передовым технологическим оборудованием, а также осуществление трансфера научно-инновационных исследований;

широкое вовлечение студентов в научно-инновационную деятельность, реализацию научных проектов по актуальным направлениям развития социально-экономической сферы, выработку научных и практических предложений по применению их результатов;

внедрение международных образовательных стандартов, передовых образовательных технологий и методов в учебный процесс, а также **формирование у студентов навыков самообразования, системного анализа и творческого мышления;**

развитие академического и научного сотрудничества с ведущими зарубежными высшими образовательными организациями, организацию на системной основе **научно-практической стажировки за рубежом профессоров-преподавателей;**

развитие у студенческой молодежи **духовных и нравственных качеств,** укрепление у нее чувств **любви к Родине, причастности к ее судьбе, преданности своей профессии,** повышение эффективности образовательно-воспитательного процесса и духовно-просветительской работы.

3. Установить, что:

а) все студенты, обучающиеся в Навоийском государственном педагогическом институте, продолжат обучение в Университете и начиная с 2024/2025 учебного года выпускникам выдается диплом Университета;

б) Университет находится в ведомственном подчинении Министерства высшего образования, науки и инноваций и является правопреемником Навоийского государственного педагогического института по правам, обязательствам и договорам;

в) в Университете начиная с 2025/2026 учебного года:

в соответствии с программами регионального развития внедряется подготовка кадров по таким востребованным направлениям, как **точные и естественные науки, информационные технологии, искусственный интеллект, экономика, бизнес и туризм, управление инвестициями, сельское хозяйство, экология и охрана окружающей среды, логистика;**

в целях интеграции учебных занятий с практикой образовательный процесс организуется **в форме дуального образования,** на предприятиях и в организациях создаются **филиалы кафедр** по соответствующим направлениям, к образовательному процессу привлекаются специалисты-практики с многолетним опытом трудовой деятельности;

совместно с **ведущими высшими образовательными организациями** республики и зарубежных государств внедряются **совместные образовательные программы** по организуемым новым направлениям образования и специальностям с выдачей выпускникам **двух дипломов**;

в отдельных группах бакалавриата и магистратуры образовательный процесс организуется на иностранных языках, а также образовательные программы поэтапно подготавливаются к **международной аккредитации**.

4. Утвердить:

Программу комплексного развития Навоийского государственного университета в 2024–2027 годах **согласно приложению № 1**;

Программу создания материально-технической базы учебных и научных лабораторий Навоийского государственного университета в 2026–2030 годах **согласно приложению № 2**.

5. Определить, что Университету начиная с 1 января 2025 года предоставляется академическая, организационно-управленческая и финансовая самостоятельность. При этом на Университет распространяются порядки, установленные постановлениями Президента Республики Узбекистан от 24 декабря 2021 года № ПП–60 «О дополнительных мерах по обеспечению академической и организационно-управленческой самостоятельности государственных высших образовательных учреждений» и от 24 декабря 2021 года № ПП–61 «О мерах по предоставлению финансовой самостоятельности государственным высшим образовательным учреждениям».

6. Министерству высшего образования, науки и инноваций совместно с Проектным офисом «Центр проектов в сфере образования» в двухмесячный срок в целях совершенствования деятельности Университета и обеспечения качества образования с привлечением зарубежных экспертов создать в Университете **Центр трансформации**.

Возложить на Центр трансформации ответственность по вопросам:

приведения образовательных программ Университета в соответствие с **международными образовательными стандартами**;

разработки и организации реализации мер по включению Университета в **рейтинг самых престижных высших образовательных организаций** мира;

международной аккредитации образовательных программ Университета, а также достижения признания дипломов Университета за рубежом;

налаживания деятельности Офис-регистратора путем оптимизации штатных единиц учебно-методического отдела и деканатов Университета в целях повышения эффективности предоставления образовательных услуг;

полной цифровизации образовательной, исследовательской и информационно-библиотечной деятельности, а также процессов управления в Университете.

7. Хокимияту Навоийской области:

обеспечить организацию прохождения квалификационной практики студентов Университета на крупных предприятиях и в организациях, расположенных в регионе;

оказывать содействие в установлении сотрудничества кафедр специальности Университета с профильными отечественными и зарубежными предприятиями;

наладить финансирование стартап-проектов студентов и молодых исследователей высших образовательных организаций региона за счет средств местного бюджета. При этом в качестве основного направления определить социально-экономическое развитие региона, обеспечение занятости молодежи и производство импортозамещающей продукции.

8. Министерству высшего образования, науки и инноваций:

а) принять меры по повышению научного потенциала Университета и оказывать ему содействие в налаживании международного сотрудничества, в частности по внедрению совместных образовательных программ и международных программ обмена с ведущими зарубежными высшими образовательными организациями, привлечению ведущих зарубежных профессоров-преподавателей к образовательному и научно-исследовательскому процессам Университета;

б) в срок **до 1 февраля 2025 года:**

пересмотреть и обеспечить утверждение в установленном порядке структуры, штатных единиц, факультетов и кафедр с учетом организуемых в Университете новых направлений образования;

создать на платформе «Study in Uzbekistan» раздел Университета в целях привлечения иностранных студентов и пополнить данный раздел качественной информацией;

в) в срок **до 1 июня 2025 года** внедрить в Университете механизм проверки (антиплагиата) выпускных квалификационных работ и магистерских диссертаций студентов на наличие заимствований.

9. Установить, что финансирование деятельности Университета осуществляется:

за счет средств Государственного бюджета, средств от обучения на платно-контрактной основе, поступлений от хозяйственной деятельности и оказания услуг на договорной основе, благотворительных пожертвований и грантов, а также иных источников, не запрещенных актами законодательства;

в 2024 году – в рамках средств, выделяемых Министерству высшего образования, науки и инноваций из республиканского бюджета Республики Узбекистан в качестве распределителя бюджетных средств первого уровня, начиная с 2025 года – предусматривается в параметрах Государственного бюджета.

10. Министерству высшего образования, науки и инноваций в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

11. Возложить на министра высшего образования, науки и инноваций Шарипова К.А. и хокима Навоийской области Турсунова Н.Т. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и руководителя Департамента социального развития Администрации Президента Республики Узбекистан Абдурахманова О.К.

Президент
Республики Узбекистан



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

Приложения приводятся на узбекском языке.